

ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ ХАЛҚ СУВЕРЕНИТЕТИ ВА ҒУРУРИ РАМЗИ
СИФАТИДА

Мухитдинова Фируза Абдурашидовна

*Тошкент давлат юридик университети “Давлат ва ҳуқуқ назарияси”
кафедраси профессори*

Салихова Дилноза Садиллоевна

Бухоро вилояти юридик техникум ўқитувчиси

Малика Туйчиева

*Тошкент давлат юридик университети “Давлат ва ҳуқуқ назарияси”
кафедраси ўқитувчиси*

1992 йил 10 декабр “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинган кун.

Қонунда мадҳиямиз давлат суверенитетининг рамзи, унга катта эҳтиром билан қараш ҳар бир юртдошимизнинг ватанпарварлик бурчидир деб белгилаб қўйилган. Ўзбекистон фуқаролари, шунингдек, мамлакатимизда яшаб турган бошқа шахслар ҳам мадҳиямизни ҳурмат қилиши шартлиги алоҳида таъкидланган. Дунёдаги ҳар қандай мустақил давлат ўз рамзларига, шунингдек, мадҳиясига эга. Умуман мадҳия сўзининг маъноси – юнон тилида “гимн”, яъни дастурий характердаги шеърни тантанали қўшиқ сифатида ижро этишни англатади. У мадҳ этилганда, давлатнинг байроғи хилпираб, халқни тўлқинлантирган. Демак, давлат рамзи, тимсоли: герб, байроқ ва мадҳия халқнинг, давлатнинг бирдамлигини, ҳамжиҳатлигини намоён этадиган рамзлардир.

Давлат мадҳиясининг муаллифи Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов бўлиб, мусиқасини Ўзбекистон халқ артисти, атоқли бастакор Мутал Бурҳонов яратган. Маदҳияда халқимизнинг эзгу орзу-умидлари, келажакка мустаҳкам ишончи теран ифодаланган. Унда мардона ва шарафларга бой ўтмишимиз, миллий анъана ва кадриятларимиз, тинчлик, осойишталик, миллатлараро тотувлик ва биродарлик каби умуминсоний туйғулар тараннум этилган. Мадҳиямизга оид қонун 1992 йил 10 декабрда қабул қилинган, ушбу мукамал бадий асар Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов ҳамда атоқли санъат арбоби, беназир композитор Мутал Бурҳонов томонидан анча меҳнату машаққат билан яратилган.

Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Мустафо Бафоевнинг фикрича, устоз бастакор М.Бурҳоновнинг “Қўнгил хазинаси” китобида Ўзбекистон давлат мадҳиясининг яратилиши ҳақида шундай



дейилади: “Ватан туйғуси, Ватан мадҳияси... Бу тушунчалар муштарак, бир-бировига уйғунлашиб кетган. Ватанни мадҳ этиш, уни улуғлаш ҳар бир инсон қалбидан ўрин олиши керак... Ўзбекистон мустақилликка эришгач, давлат мадҳияси янғича, истиқлол руҳида кун тартибига қўйилди. Муҳокама ва тортишувлардан кейин мен ёзган мадҳияни ҳам танловга киритишди. Меҳнатлар зое кетмади. Мусиқанинг ярмига келганда олқишлар бошланди”.

Дарҳақиқат, гарчи ким учундир баландпарвоз туюлса-да, ўзи туғилиб ўсган мўътабар диёрга меҳр, ўз элига бўлган эҳтиромни шакллантиришда мадҳиямизнинг ўрни бекиёс.

Ҳар тонг юртимизни мамлакатимиз мадҳияси уйғотади. Мана ўттиз икки йилдан буён бу мусиқа ер юзида халқимиз ғурури, ифтихори, шон-шавкати тантанасини намоён этиб келмоқда. Бугун айнан Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳияси қабул қилинганлигининг 32 йиллиги кенг нишонланади.

Давлат рамзлари мамлакатимиз суверенитети ва мустақиллигини ифодаловчи, халқимизнинг шаъну шавкати, ғурури, ор-номуси, тарихий хотираси ва орзу-умидларини ўзида мужассам этувчи муқаддас тимсоллардир. Мустақилликнинг илк кунларидан халқимизнинг озодлик, ҳурлик сингари энг буюк орзу-интилишлари, маънавий қадриятларини ифодаловчи, Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, юртга садоқат, бунёдкорлик ва яратувчанликка ундовчи Бош қўшиқни қабул қилишга асосий эътибор қаратилди. Мадҳия бўйича танлов эълон қилинганда, мадҳия ёзадиганлар кўпайди — ашулачи, созанда, бастакор, композитор, ҳаттоки, ишчилар, деҳқонлар ҳам ўз шеърлари, бир овозли мусиқаларини танловга юборди. Ғолибни аниқлаш мақсадида катта комиссия тузилди — унинг таркибида шоир ва композиторлардан ташқари олимлар, адабиётшунослар, тарихчилар, хуллас турли соҳа вакилларидан 20 нафарча одам иштирок этган экан.

Олий Кенгашнинг 1992 йил 10 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳияси матни ва мусикаси вариантлари муаллифларини мукофотлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Олий Кенгаш томонидан тасдиқланган давлат мадҳиясининг муаллифлари — Абдулла Орипов ва Мутал Бурҳонов пул мукофоти билан тақдирланишганлиги аъида маъдумотлар бор.

Тан олиш керакки, Ўзбекистон давлат мадҳияси янграганда, “Серқуёш” сўзи жаранглаши билан бутун вужудимизда ажиб энтиқиш, дилимизда чексиз ифтихор туйғусини ҳис этамиз. Чунки унда юртимиз таровати, буюк келажак барпо этиш йўлида фидокорона меҳнат қилаётган халқимизнинг



орзу-интилишлари, Ўзбекистонимизнинг жаҳон ҳамжамиятида тобора юксалиб бораётган обрў-эътибори, ҳеч кимдан кам бўлмай, келажакка қатъий ишонч билан интилаётган ёшларимизнинг азму шижоати акс этган.

Айнан мазкур сўзлар билан ифодаланган давлатимиз рамзи бўлган 1992 йил 10 декабрда “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида”ги қонун имзоланди. Мазкур қонунда белгиланганидек, мадҳиямиз давлат суверенитетининг рамзи ҳисобланади, унга зўр эҳтиром билан қараш ҳар бир фуқаронинг ватанпарварлик бурчидир. 2010 йил 24 декабрда мазкур қонунга киритилган ўзгартишга кўра, фуқароларимиз, шунингдек, мамлакатимизда бўлиб турган бошқа шахслар мадҳиямизни ҳурмат қилиши шарт.

Агар мадҳиялар яратилиш тарихига назар ташласак, энг қадимий ва энг қисқа мадҳия бу-

Япония мадҳиясининг қўлёзмаси X–XI асрда ёзилган бўлиб, дунёдаги энг қисқа “қўшиқ” ҳисобланади: у жами 6 қатордан иборат.

Кунчиқар юртнинг расмий мадҳияси давлат даражасида 1999 йили тасдиқланган.

Энг узун ва энг зерикарли мадҳия

Уругвайнинг мадҳияси 1833 йили қабул қилинган. У дунёдаги энг узун ва шу билан бирга, энг зерикарли мадҳия ҳисобланади. Мамлакат мадҳиясини тинглаш учун беш дақиқа вақт керак бўлади.

“Худойим, қиролни ва қиролликни асра!”

Буюк Британия мадҳияси шу сўзлар билан бошланади.

Мадҳия расмий бўлмаса-да, ҳеч қандай ҳуқуқий ҳужжатга асосланмаган, лекин уни қуйлаш анъанага айланган.

Мадҳия бир неча марта қайта таҳрир қилинган.

Сўз ва мусиқа муаллифи Гэнри Кэри бўлиб, у бир лорднинг ўғли бўлган.

Тайланднинг эски мадҳиясини рус ёзиб берган Сиам қироллигининг муносабатлари Россия билан яхши бўлган. 1939 йилгача Тайланд “Замонавий Тайланд” деб номланганини кўпчилик билмаса керак. Ўшанда қирол Сиам мадҳияни яратиш учун танлов эълон қилади. Танловда рус бастакори Пётр Андреевич Щуровский ғолиб бўлади. Щуровскийнинг мусиқаси мадҳияга киртилган ва 1939 йилгача мамлакатда қуйланган.

1 дақиқадан ошмайдиган мадҳия

Ҳиндистон мадҳиясини Нобель мукофоти лауреати Рабиндранат Тахур ёзган ва уни “Миллат руҳи”, деб номлаган. Мадҳия бенгал тилида битилган. Мадҳия қуйланганда бир дақиқадан ошмайди.



Бизнинг давлатимиз рамзи бўлмиш мадҳия- ватанпарварлик фазилатини шакллантирувчи, шу азиз юртимизни жону дилдан севишга ундовчи муҳим маёқдир.

Ҳар тонг давлатимиз мадҳияси садолари остида янги кунни кутиб олар эканмиз, кўз олдимизда юртимиз манзаралари намоён бўлади. Унинг ҳар бир чуқур маънога эга сатри, мардонавор оҳанги кишини сеҳрлаб кўяди, қалбимизда Ватанимиздан фахрланиш, бугунимиздан шукроналик ва эртаимизга улкан ишонч ҳисси жўш уради. Мутал Бурхонов мадҳия ҳақида қуйидаги сўзларни ифтихор билан айтган: “Мен бир нарсадан фахрланаман, менинг мусиқам бутун дунё бўйлаб янграганида не-не инсонлар ўрнидан туриб қуллуқ қилади... Бунинг маъноси катта, улар менинг санъатим қаршисида эмас, Ватаним Ўзбекистоннинг салобатли овози қаршисида бош эгадилар. Давлат мадҳияси бу Ватаниннг овози... Менга яратган эгам ўша овоз оҳанглари қалбимга жойлагани ва бу оҳангни ўзга қалбларга етказа олишим учун йўл берганига беадад шукроналар айтаман...”

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси мустақилликка эътиқодни тарғиб қилади. Унинг матни фуқароларимизни мустақил давлат қуриш йўлида матонат ва жасоратга, сабр-тоқат ва фидокорликка, ташаббускорлик ва курашга чакиради, миллий ғурурни уйғотади. Маदҳиямиз байрамлар, сиёсий чиқишлар, спорт анжуманлари, расмий давлат қабуллари, аҳамиятли митинглар, турли давлат бошлиқларини кутиб олиш ва кузатиш маросимлари ҳамда қонун билан белгиланган бошқа ҳолларда ижро этилиб, давлат суверенитетига эътиқод ва ҳурматни расмий мусиқа ҳамда матн билан ифода этади.

Мадҳиямиз мамлакат мустақиллиги, халқ озодлиги давлатнинг буюк келажаги ҳақида қуйлайдиган, фаровон жамият қурилиши йўлида фидокорона меҳнат, бунёдкорлик ва тадбиркорликка руҳ бағишлашга хизмат қиладиган истиклол рамзидир. Юртимиз вакиллари иштирок этадиган халқаро миқёсдаги сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий тадбирлар ва спорт мусобақаларида мазкур шукуҳли тарона жаранглаганда қалбимиз фахр ифтихорга тўлади.

Юксак ватанпарварлик туйғусини мужассам этган мадҳиямиз бугун таълим масканларида ёш авлоднинг Ватанга муҳаббат руҳида камол топишига хизмат қилмоқда. Энди ҳарф таний бошлаган жажжи фарзандларимиз миллатимизнинг бош кўшигини қуйлай бошлаганида севинчдан ҳаяжонга тушамиз. Бундай лаҳзаларда халқ ва Ватан улуғланган кўшиқ инсонлар қалбига юксак ва беғубор туйғуларни жо этишга, бу ёруғ оламни янада мунаввар кўрсатадиган илоҳий мўъжиза



эканлигига яна бир бор амин бўламиз. Юртнинг энг улуғ кўшигини эъозлаш, ёд олиш ва баралла куйлаш ҳар бир юртдошимизнинг бурчидир.

Ҳар тонгни мадҳиямиз садолари билан қарши оламиз. Қалбимизда янги кунга, истиқлолга ва бугунги тинч-осойишта ҳаётимизга шукроналик, келажакка қатъий ишонч туйғуси жўш уради. Демак истиқлолимизни, юртимизнинг куч-қудрати, халқимизнинг ақл-заковати, аجدодларимизнинг шон-шуҳрати ва авлодларимизнинг ёруғ келажagini шарафловчи бу тарона асрлар оша баралла янграйверади.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов шеъри, Ўзбекистон халқ артисти, атоқли композитор Мутал Бурҳонов мусиқаси асосида яратилган мадҳиямизда мусаффо осмонимиз, бахтли ва фаровон ҳаётимиз, халқимизнинг асрий орзулари, келажакка ёруғ умиди ва мустаҳкам ишончи теран ифодаланган.

Серкуёш, ҳур ўлкам, элга бахт, нажот,
Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон!

Яшнагай то абад илму фан, ижод,

Шуҳратинг порласин токи бор жаҳон! Эътибор берсак, Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси тўғрисидаги қонунининг 2-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси Ўзбекистон Республикаси Давлат суверенитетининг рамзидир. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясига зўр эҳтиром билан қараш Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг ватанпарварлик бурчидир” — деб белгиланган бўлиб, унинг 3-моддасида ижро этилиш вақти, тартиби ва шартлари келтирилган. Мадрҳияни ижро этилиш вақти, тартиби ва шартлари эса, Биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси: Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш чоғида — у қасамёд қабул қилганидан сўнг; Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси сессияларининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ялпи мажлисларининг очилиши ҳамда ёпилиши чоғида; Учинчидан, Ўзбекистон Республикасида нишонланадиган умуммиллий байрамларга бағишланган тантанали йиғилишлар ва мажлисларнинг очилиши чоғида; Тўртинчидан, давлат телевидение ва радиоэшиттириш компаниялари томонидан ҳар куни — кўрсатув ва эшиттиришлар бошланишидан аввал ва тугаганидан сўнг, кўрсатув ва эшиттиришлар кечаю кундуз олиб борилганида эса соат 6 да ва соат 24 да, янги йил кечасида — соат 24 да; Бешинчидан, республика ҳаётидаги муҳим тарихий воқеаларни нишонлаш юзасидан, атоқли сиёсий, давлат, ҳарбий арбоблар, халқ қаҳрамонлари, фан, адабиёт ва санъат арбоблари шарафига ўрнатилган ҳайкаллар, шунингдек монументлар, ёдгорликлар ва бошқа



иншоотларнинг очилиши чоғида; Олтинчидан, давлат органлари, бошқа ташкилотлар томонидан ўтказиладиган маросимлар ва бошқа тантанали тадбирлар вақтида Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғини кўтариш чоғида; Еттинчидан, расмий сафар билан Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрган хорижий давлатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларини кутиб олиш ва кузатиш чоғида — тегишли хорижий давлатнинг давлат мадҳияси ижро қилиб бўлинганидан кейин; Саккизинчидан, ҳарбий маросимларни ўтказиш вақтида — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг умумҳарбий уставларига мувофиқ; Тўққизинчидан, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларида — янги ўқув йили бошланиши ва ўқув йили тугаши маросимлари чоғида; Ўнинчидан, спорт майдонларида — Ўзбекистон Республикаси чемпионатларини, миллий терма командалар иштирокида халқаро спорт мусобақаларини ўтказиш вақтида ҳамда халқаро спорт мусобақаларининг Ўзбекистон Республикаси спорт терма командаларининг вакиллари бўлган ғолибларини мукофотлаш маросимларини ўтказиш вақтида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари Кенгашлари депутатлари сайловлари ёки референдум кунлари — овоз бериш ўтказиладиган биноларда соат 8.00 да ижро этилиши қайд этилган. 7-моддада эса, мадҳияни кўпчилик ҳузурида ижро этилганда, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, ҳозир бўлган кишилар мадҳияни тик туриб ва ўнг қўл кафтини кўкракнинг чап томонига қўйиб, ҳарбий ёки давлатнинг бошқа хизматидаги махсус кийимдаги шахслар эса қўлини бош кийимига қўйиб тинглайди. Агар Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясининг ижро этилиши Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг кўтарилиши билан биргаликда амалга оширилса, ҳозир бўлган кишилар унга юзи билан бурилиб ижро этиши белгиланган. Қонуннинг 10-моддасида эса, хорижий давлатлар ҳудудида Ўзбекистон Республикасининг муассасалари ва ташкилотлари ўтказадиган тадбирлар вақтида Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси ўша мамлакат тажрибаси ва маҳаллий урф-одатларини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги белгилаб қўядиган қоидаларга мувофиқ ижро этилиши қайд этилган. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, шунингдек Ўзбекистонда турган бошқа шахслар Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясини ҳурмат қилиши шарт. Мадҳиямизга ҳурматсизлик учун жавобгарлик бор! Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.



Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг рамзлари муқаддас бўлиб, уларни ҳар қандай йўл билан таҳқирлаш қонун билан жавобгарликка тортилиши белгиланган. Жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 203¹-моддасига кўра, Давлат рамзлари тўғрисидаги қонунчиликни бузиш

Ўзбекистон Республикаси ёки Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат байроғи, Давлат герби ёхуд Давлат мадҳияси тўғрисидаги қонунчиликни бузиш, —фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши қайд этилган.

Жиноят кодексининг 215-моддасида эса, Давлат рамзларига ҳурматсизлик қилиш яъни, Ўзбекистон Республикаси ёки Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат байроғи, Давлат герби ёхуд Давлат мадҳиясига ҳурматсизлик қилиш —базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтимиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади. Дунё тажрибасида ҳам аксарият ҳолларда мадҳияни ҳақорат қилиш ёки ҳурматсизлик учун жазо давлат рамзларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунчилик билан боғлиқ. Бу жазо жаримадан қамок муддатигача бўлиши мумкин. Мадҳияни ҳурмат қилмаслик учун қаттиқ жазо қўлланиладиган мамлакатларнинг баъзи мисоллари: Ҳиндистонда Давлат байроғи ва мадҳияси тўғрисидаги қонунда ушбу белгилар билан ишлашнинг қатъий қоидалари белгиланган. Мадҳияга ҳурматсизлик, шу жумладан уни оммавий ҳақорат қилиш ёки уни ижро этиш пайтида ноўрин хатти-ҳаракатлар жарима ёки 3 йилгача қамок жазосига олиб келиши мумкин. Ҳиндистонда миллий рамзлар муқаддас ҳисобланади ва уларни ҳимоя қилиш муҳим аҳамиятга эга. Хитойда мадҳияга ҳурматсизлик қаттиқ жазоланади. 2017 йилда кучга кирган қонунга кўра, давлат мадҳиясини оммавий равишда ҳақорат қилиш ёки уни нотўғри бажариш жаримага, шунингдек маъмурий жазога, шу жумладан 15 кунгача ҳибсга олишга олиб келиши мумкин. Жиддий қоидабузарликлар бўлса, жиддийроқ жазо қўлланилиши мумкин. Филиппинда миллий мадҳияни ижро этиш пайтида тартибга қатъий риоя қилишни белгилайдиган қонун мавжуд. Қоидабузарлар жаримага тортилиши ёки хатто қамокка олиниши мумкин.



Қонун мадҳияни қатъий белгиланган тартибда бажарилишини талаб қилади ва уни нотўғри бажаришга уринишлар жиноий жавобгарликка олиб келиши мумкин. Жанубий Кореяда ҳам давлат мадҳияси ва байроғига ҳурматни тартибга солувчи қонун мавжуд. Мадҳияни ҳақорат қилиш, шу жумладан унинг оммавий таҳқирланиши ёки бузилиши жаримага тортилиши ёки икки йилгача қамоққа олиниши мумкин. Умуман олганда, давлат мадҳиясига муносабат ҳар бир мамлакатда турлича бўлиб, жазолар ҳуқуқий тизим ва маданий анъаналарга боғлиқ. Баъзи мамлакатларда жазолар жуда оғир бўлиши мумкин (жарималар, қамоқ жазолари), бошқаларида улар юмшоқроқ, маъмурий санкциялар билан чекланган. Шунини таъкидлаш керакки, бундай қонунлар аксарият ҳолларда миллий ўзига хослик ва давлат рамзларига ҳурматни мустаҳкамлашга қаратилган. Халқимиз омон экан мустақил мамлакатимиз юксак тараққиёт, буюк келажак барпо этиш сари одимлашда давом этади, улуғ халқнинг мангу қўшиғи – мадҳиямиз халқимиз, фарзандларимиз қалбидан чуқур жой олиб, олам узра баралла янграйверади. Бу қўшиқ она Ватанимиздан ғурурланишга, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга, бугунимизнинг қадрига етишга, янги марраларни забт этишга ундайверади.

